ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ

Хасанов Темур Халмаматович
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби Жиноят
ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
temur.hasanov@gmail.com
tel: 90 916 32 19

Аннотация: Мазкур мақолада ўғирлик жинояти тушунчаси ва ижтимоий хавфлилигига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада ўғирлик ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш жинояти эканлиги борасидаги олимларнинг фикирлар ҳам таҳлил этилган.

Калит сўзлари: Айб, жиноят, жазо, тушунча, ўғирлик, ўзганинг, мол-мулки, яширин, шахс, эгалик қилиш.

Ўғрилик жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бу турдаги жиноятлар натижасида шахсий ва хусусий мулкка моддий зарар етказилади.

Шу билан бирга, жиноят содир этган шахсларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги ва жавобгарликка тортилишининг таъминланмаслиги, бир томондан, уларнинг ғайриқонуний бойлик орттиришига, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан текинхўрларча ҳаёт кечиришига имкон яратса, бошқа томондан, бу ҳолатлар жиноят содир этган шахслар учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги таъминланмаслигига, ўғриликдан жабр кўрган шахсларга жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланмаслигига ва одамлар онгида ички ишлар органларининг ўз вазифаларини бажармаётганлиги ҳақида фикрлар шаклланишга ҳамда пировард-натижада давлатга ишончнинг йўқолишига олиб келади.

Давлатимизда айрим фуқароларнинг касбий таълим ва даромаднинг қонуний манбаи бўлмаганлиги, ота-онасиз қолган, ўз оиласи бўлган, ёки ўз оиласи бор бўлган алоҳида уйда (квартирада) яшайдиган ёшлар жабрланувчиларнинг турмуш тарзини биладиган, шунингдек, ўғрилик жиноятининг профессионаллик даражасининг ортишига олиб келади.

Айрим ёшларнинг спиртли ичимликларни мунтазам равишда истеъмол қилиш (сўнгги йилларда гиёвандлик воситалари), жамиятдаги қўшнилар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш қобилиятлари мавжудлиги, кўпгина жиноятчилар “ўғрилар” турмуш тарзини олиб бориш учун мақбул деб ҳисоблашади, бу уларнинг ахлоқий ва руҳий ривожланишидаги жиддий деформацияларни кўрсатмоқда.

Ўғрилик жиноятини содир этиш ҳолатлари ва мотивларини сақлаб қолиниши таҳлиллари натижасида икки асосий сабаб бўлиши мумкин.

Биринчидан, ўғрилик жиноятини содир этган шахсларнинг ижтимоий ҳолатга йўналтирилганлиги, иккинчидан ижтимоий ҳолатини мавжуд эмаслиги билан баҳоланиши мумкин.

Ўғрилик жинояти талон-торож жиноятларининг нисбатан кенг тарқалган тури ҳисобланади.

“Ўғирлик” атамаси жиноятлар гуруҳини ўз ичига олади, уларнинг барчаси бировнинг мулкидан маҳрум қилиш билан боғлиқ. Кўпчилик ўғирлик ҳақида ўйласа, одатда ўғирлик, бошқа бировнинг шахсий мулкини тортиб олиш ҳақида ўйлайди. Масалан, велосипедни велосипед токчасидан ўғирлаш ёки стулнинг орқа томонида осилиб турган сумкачани олиб

қўйиш ҳаммаси ўғирлик деб ҳисобланади.

Бошқа томондан, “ўғирлик” - бу шахсни эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш мақсадида бошқа бировнинг мол-мулкини олиб қўйишни ўз ичига олган ҳар қандай жиноятга нисбатан қўлланиладиган кенгроқ атама. Умумий қилиб айтганда, ўғрилик бу - ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишдир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ўғрилик”, “жиноят” ва “профилактика” тушунчаларининг луғавий маъноси қуйидагича изоҳланган. Ўғрилик – “ўғрилаб қўлга киритилган, жиноий йўл билан ўзлаштирилган мулк”, жиноят – “айб, гуноҳ; жиноий иш, давлат қонунлари билан белгиланган тартибга хилоф ва шу қонунларга асосан жавобгарликка тортишни талаб қиладиган, жамоат учун хавфли хатти–ҳаракат” маъноларни билдиради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ўғрилик жамият аъзоларининг мулкига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар туркумига кириб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 169-моддасида унинг аниқ тушунчаси ва жавобгарлиги бериб ўтилган. Бундан ташқари ўғрилик жиноятини содир этиш механизмига ўхшаш, аммо содир этилиши механизмига кўра ўғрилик деб эътироф этилмайдиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам мавжуд, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексниг 61-моддасида “Оз миқдорда талон–торож қилиш” бу – мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол–мулкини ўғрилаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон–торож қилишдир” деб кўрсатилган.

ЖК 169-моддасида ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш ёки ўғрилик иқтисодиёт соҳасидаги энг кенг тарқалган жиноятлардан биридир. Талон-торож қилишнинг барча шакллари ичида ўғрилик жинояти содир этилиш усули жиҳатидан энг хавфи камроғи деб топилиши мумкин: унда жисмоний ёки руҳий таъсир этиш қўлланилмайди; айбдор уни содир этишда ўзидаги ваколатлардан ва мол-мулкни эгаллашда алдашдан фойдаланмайди. Айбдор ҳуқуққа хилоф ва яширин равишда, яъни бошқа шахслардан яширин ҳолда мулкдорнинг хоҳиш-иродасига қарши ўзганинг мулкини ўзлаштиради ва уни ўзининг мулки сифатида тасарруф эта бошлайди. Бироқ ўғрилик, статистика кўрсатишича, ўзганинг мулкини талон-торож қилишнинг энг кенг тарқалган усулидир ва бу унинг ижтимоий хавфлилигини оширади.

“Жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкини яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланади. Бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулкининг олинаётганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозим”.

Ҳар бир шахснинг ўз шахсий мулкига эгалик қилиш уни тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд, бу ҳуқуқи қонунда белгиланган ҳолатдагини чекланиши мумкин. Бошқа ҳолатларда шахснинг бу ҳуқуқи чекланишига ва шахсий мулкини эгаллаб олиш ёки у мулкга зарар етказиш мумкин эмас. Агарда бошқа бир шахс томонидан унинг мулки ноқонуний йўл (жиноий йўллар) билан ўзлаштириб олинса, зарар етказилса қонунда белгиланган жазо чоралари қўлланилади.

Ўзганинг мулкини қонунга хилоф равишда эгаллаб олиш ва унга зарар етказиш усулларидан бири мулкни талон тарож қилишдир. Ўғрилик жинояти талон-тарожнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бунга сабаб, аввало, амалиётда тергов жараёнида ўғирлик жиноятини очиш фоизларининг унчалик катта эмаслиги сабаб бўлади, чунки ўғирлик яширин равишда, мулкнинг қаровсиз қолдирилганидан фойдаланган холда содир этилади, бу

эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини янада оширади, унинг очилишини ва жиноятни содир этган шахснинг топилишини бир мунча қийинлаштиради. Жиноятнинг бевосита объекти ўзганинг мол-мулкини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Объектив томонидан ўғирлик ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилишда ифодаланади.

“Талон-тарож қилишнинг яширин усули деганда, мулк эгаси ёки мулк ишониб топширилган ёки ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан, улар йўқ вақтида ёхуд мулкдор ёки бошқа шахслар мулкнинг талон-торож қилинаётганини тушунмаган вақтда содир этилиши тушунилади”.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўғрилик учун ўзганинг эгалигида бўлган мулкни олиб қўйиш хосдир. Бироқ ўғрилик айбдорнинг мулкка нисбатан бошқа муайян ҳуқуқи бўлган (масалан, вақтинча қараб туриш) мулкни ўғрилаш ва эгаллашга ҳам қаратилиши мумкин. Бу ерда ишлаб чиқаришда ишчи томонидан хом ашёни ёки тайёр маҳсулотни, жабрланувчи томонидан вақтинча қараб туришга ташлаб кетилган мулкни, магазинда кийиб кўриш учун олинган мулкни, аравакашга етказиб бериш учун топширилган мулкни ўғрилаш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси X боб “Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш” деб номланган. Ушбу бобда мулкка зарар етказилганда жавобгарлик масаласини белгиловчи бир нечта моддалар жамланган. 164-модда (Босқинчилик), 165-модда (Товламачилик), 166-модда (Талончилик), 167-модда (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш) 168-модда (Фирибгарлик) 169-модда (Ўғирлик). Ушбу жиноятларнинг обьекти битта бўлсада обьектив томондан, содир этилиш усули билан бир-биридан фарқ қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Rustambayev M.X. O’zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to’ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O’zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018.
2. Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсиддинов З.З. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ нашриёти. 2021.
3. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти. 2018.
4. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик/Р.Қабулов, А.Отажонов ва бошқ. Маъсул муҳаррир Ш.Т.Икромов,- Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – 2014.
5. Абдурасулова К.Р. криминология: Дарслик. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. - Т.: ТДЮИ, 2008.